2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 59 (315), 2021 йил 24 март, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА 812 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 23 март куни Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг охирида, 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятида бўлиб, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, инфратузилма иншоотлари қуриб, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берган эди. Тақдимотда, аввало, шу борада бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Айтиб ўтилганидек, жорий йилнинг январь-март ойларида 188 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 726 та иш ўрни яратилган. Сув тежовчи технологияларни татбиқ этиш орқали 4 минг гектарга яқин ер фойдаланишга киритилган. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали ташкил қилинган. Амударё устида янги темир йўл кўприги қурилиши бошланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятдаги силжишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йил учун 812 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Умумий қиймати 1 миллиард 320 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳаларнинг 770 таси ҳудудий, 42 таси тармоқларники.

Соҳалар бўйича айтганда, уларнинг 273 таси саноат, 277 таси хизмат кўрсатиш, 262 таси қишлоқ хўжалигига оид. Бу лойиҳалар натижасида 23 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш, 65 миллион долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиш мўлжалланган.

Тўқимачилик, автомобилсозлик, электр техникаси ва озиқ-овқат саноати, туризм, хизматлар, иссиқхона хўжалиги Хоразм вилоятининг асосий "ўсиш нуқталари" сифатида белгиланган.

Масалан, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 49 та лойиҳа таклиф этилган. Уларнинг самарасида вилоятда етиштирилаётган пахтани қайта ишлаш даражаси 2 баробардан зиёд ўсиб, айрим кўрсаткичлар бўйича 100 фоизга етади. Хусусан, ип-калава тайёрлаш қуввати 47 минг тоннадан 104 минг тоннага, мато ишлаб чиқариш 9 минг тоннадан 49 минг тоннага, тайёр кийим-кечаклар 47 миллион донадан 152 миллион донага ортади. Шундай корхоналар жорий йилда Қўшкўпир, Шовот, Янгиариқ, Боғот туманларида ишга тушади.

Автомобилсозликда 100 турдаги кузов деталлари, турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилади. Бу маҳсулотлар 20 миллион долларлик импорт ўрнини босиши билан аҳамиятли. Натижада Питнакдаги заводнинг локализация даражаси 36 фоиздан 45 фоизга чиқади.

Қурилиш материаллари саноатида 85 та лойиҳа режалаштирилган. Масалан, Урганч шаҳрида газоблок, керамик плита, гипсокартон ишлаб чиқарилади, "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасида гулқоғоз тайёрлаш лойиҳаси кенгайтирилади.

Мазкур эркин иқтисодий зонада электр двигателлар, Хива шаҳрида гилам ва полипропилен иплар ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалигида ерларни лазер ёрдамида текислаш ва томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш бўйича ишлар бошланган. Бу орқали пахтачиликда ҳосилдорликни 35 центнерга, ғаллачиликда 66 центнерга етказиш мақсад қилинган.

Маълумки, Хоразм гуручининг донғи кетган, унга бозорда талаб доим юқори. Лекин вилоятда ер ва сув имкониятлари чеклангани сабабли шолини исталганча экиб бўлмайди. Шу боис, яхши нав танлаш ва хориж технологияси асосида экиш орқали бор ердан кўп ҳосил олиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун Хитойдан Хоразм тупроқ-иқлим шароитига мос навлар келтирилади. Ўтган йилгича майдонда, лекин ундан 50 минг тонна кўп маҳсулот олинади. Бу 684 миллиард сўм қўшимча даромад деганидир. Қолаверса, бу омилкорлик натижасида йилига 113 миллион куб метр сув тежалади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 151 минг тонна кўп мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Шунингдек, чорва сонини кўпайтириш бўйича 20 та, паррандачилик йўналишида 24, балиқчиликни саноат усулида ривожлантириш бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Тақдимотда туризм, энергетика, чарм-саноат, заргарлик, қурилиш соҳасига доир лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур режаларни маъқуллаб, шу билан бирга, қўшимча лойиҳаларни шакллантириш вазифасини қўйди. Маҳаллаларда "ўсиш нуқталари"ни топиб, иш ўринларини кўпайтириш, уларга ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жойлаштириш, ўзини ўзи банд қиладиган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан топшириқлар берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО КОНСУЛЬТАНТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни халқаро консультантлар — Альфред Гузенбауэр, Александр Квасьневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.**

Халқаро консультантлар гуруҳининг асосий вазифаси мамлакатимизнинг Евроиттифоқ давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш, ислоҳотлар дастурини амалга оширишда хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, Европа ишбилармон доиралари билан шерикликнинг самарали механизм ва воситаларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, турли йилларда юксак давлат лавозимларини эгаллаган консультантлар бугунги кунда Европадаги расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доираларида юқори халқаро нуфузга эга бўлиб, етакчи консалтинг, инвестиция ва саноат компанияларида ишлаб, салмоқли тажриба тўплаганлар.

Хусусан, "Gusenbauer Projektentwicklung & Beteiligung" консалтинг компаниясининг таъсисчиси Альфред Гузенбауэр 2000-йилларда Австрия Федерал канцлери бўлиб фаолият юритган. "Amicus Europae" фонди раҳбари Александр Квасьневский Польша Президенти бўлган. Бугунги кунда "CITIC Europe Holdings" компанияси маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатаётган Штефан Фюле Европа Иттифоқининг кенгайиш ва яхши қўшничилик сиёсати масалалари бўйича комиссари лавозимида муваффақиятли ишлаган.

Учрашувда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва институционал жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар дастурини юқори баҳоладилар ва тўлиқ қўллаб-қувватладилар. Айниқса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ютуқлари ва аниқ натижалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви сари сезиларли саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Консультантларнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ муддатли стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтиришга доир тавсиялари кўриб чиқилди.

Юртимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг шаффофлигини ошириш, бозор механизмларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш, банк-молия соҳаси ва капитал бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Консультантлар, шунингдек, иқтисодиётнинг изчил трансформация қилинаётгани ва хорижий капитал учун очиқлиги ортаётгани туфайли Евроиттифоқ мамлакатлари билан инвестиция ва инновациялар борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар шаклланаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасини сақлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш ҳамда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Савдони либераллаштириш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, бозорларга чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилиш механизмлари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунида яқин ҳамкорлик ва фаол алмашинувларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди. Яқин истиқболдаги амалий ҳамкорликнинг биринчи галдаги вазифалари ва формати келишиб олинди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, БУ БОРАДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, айрим турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш муддатлари сезиларли равишда қисқартирилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган бир қатор маълумотномалар бекор қилинди.

Шу билан бирга, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик тартиботлар, шу жумладан, электрон тизим орқали олиш имконияти мавжуд бўлган маълумотларни қоғоз кўринишида сўраб олиш, иш фаолиятини ташкил этиш учун муҳим бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини овора қилиш амалиёти сақланиб қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"**да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида:

1. **2021 йил 1 июндан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар,** фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш **экстерриториал тамойил** асосида амалга оширилади;

нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан **мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизими орқали олинади;**

тадбиркорлик субъекти бўлган **юридик шахсларга** давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йиғим ва давлат божи тўловларини тўлашда уларнинг вакили томонидан **нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилади;**

хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхона ходимини аккредитация қилишда унда одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификатни талаб қилиш амалиёти **бекор қилинади;**

Давоми 2-бетда

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

## МАҲАЛЛА ДУНЁДА ЎХШАШИ БЎЛМАГАН, ЭЗГУЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН НОЁБ ТУЗИЛМАДИР

**Президентимиз ташаббуси билан 2020 йил 2 мартда қабул қилинган қонунга мувофиқ, 22 март юртимизда Маҳалла тизими ходимлари куни этиб белгиланган.**

Жорий йил мамлакатимизда илк бор нишонланган ушбу байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми — Наврўз тантаналари давом этаётган шукуҳли кунларга уланиб кетди. Зеро, Наврўз ва маҳалла халқимизнинг инсоният тафаккури хазинасига қўшган бемисл ҳиссасини, халқимизнинг инсонийлик, ҳамжиҳатлик ва эзгуликни тарғиб этувчи бебаҳо анъаналарини намоён этувчи эгизак қадриятдир.

Ушбу сана муносабати билан бўлиб ўтган тадбирларда иштирок этган мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва элчихоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз ва инсоният тараққиётида тутган ўрни, инсон камолотидаги аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## ЭНГ МУҲИМИ — НАРХ, СИФАТ ВА МУДДАТ

**Тошкент вилоятида арзон ва кўркам уй-жойлар қурилиши янада жадаллашади**



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

**Қурилиш соҳаси аллақачон мамлакатимиз иқтисодиётининг "драйвери"га айланиб улгурди. Охирги йилларда республиканинг барча ҳудудларида замонавий бино-иншоотлар, кўп қаватли уй-жойлар қуриш кўлами бир неча баробарга ошди.**

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ИШОНЧ ТОБОРА ОРТМОҚДА

**Жамият тараққиётига, инсоният тамаддунига малакали кадрлар салоҳияти, билими ва аниқ мақсад сари интилиши ўлароқ эришилади. Президентимиз мамлакатда малакали, ҳар томонлама етук, салоҳиятли кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келаётгани замирида ҳам тараққиётга эришиш, аждодларимиз асос солган буюк тамаддун йўлини давом эттириш мақсади мужассам.**

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида: **"Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири — кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этилади. Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади"**, деган эди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, БУ БОРАДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) **соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлигининг** (кейинги ўринларда — Агентлик) **бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир иш куни ичида қайтарилади.** Бунда қайтариб берилган маблағлар Агентлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан регресс тартибида ундириб олинади;

давлат хизматини кўрсатиш натижасида бериладиган ҳужжатлар **QR-код** (матрик штрихли код) қўйиш орқали берилганда уларнинг **дубликатларини бериш тартиби бекор қилинади.** Бунда, ушбу ҳужжатлар электрон шаклда **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали чекланмаган миқдорда бепул олинади.**

2. Қуйидагилар:

**Айрим турдаги маълумотлар ва электрон кўринишдаги ҳужжатларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда бериш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

**2021 йил 1 майдан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хоҳишига кўра, кўрсатилган давлат хизматининг натижаси почта алоқаси орқали етказиладиган давлат хизматлари рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

**Айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича “Йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров мазкур Фармонга 1-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар** ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда уларнинг идоравий ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларнинг **“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини таъминласин.**

Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни рақамлаштириш, маълумотлар ҳамда электрон кўринишдаги ҳужжатларни муддатида бериш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин.**

4. Белгилансинки, **2021 йил 1 июндан** бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан:

а) **қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни:**

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

судланганлик;

манзил-маълумот ахбороти;

фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

турар жойнинг майдони;

солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;

пенсия ва нафақа миқдори;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

б) **қуйидаги ҳужжатларни:**

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;

меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини **талаб қилиш бекор қилинади.**

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда мазкур бандда назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни ушбу Фармонга **1-иловада** белгиланган масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан, **“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали** сўраб олади.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳужжат ёки маълумотларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳолидан талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисоблансин.

5.Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**2021 йил 1 майдан** бошлаб хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ариза-анкетани ва давлат божи тўловини **электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** қабул қилиш имконини яратиш;

**2021 йил 1 июндан бошлаб** 16 ёшга тўлган шахсларга идентификация ID-карталари бериш уларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш ҳамда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш билан **бир вақтнинг ўзида амалга ошириш** тизимини жорий этиш;

**2021 йил 1 июлдан** бошлаб солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан** фойдаланган ҳолда амалга оширишга ўтиш. Бунда, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш **бекор қилинади.**

Белгилаб қўйилсинки:

**жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи **ягона идентификатор ҳисобланади;**

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида рақамларни юритиш тақиқланади.

6. Давлат солиқ қўмитаси Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июлга** қадар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мавжуд солиқ тўловчининг идентификация рақамини уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами билан ўзаро боғлаш ишларини якунласин;

солиқ тўловчининг идентификация рақами мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** орқали солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 июндан** бошлаб:

Агентлик **юридик шахсларни** (нодавлат нотижорат ташкилотлари, банклар ва кредит бюроларидан ташқари) **давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади;**

давлат органлари ва ташкилотлари, юридик шахслар бирлашмалари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳамда адвокатлик тузилмаларини **давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан** амалга оширилади.

8. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат персоналлаштириш маркази ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси **2021 йил 1 майга** қадар ўзларининг ахборот тизимларини “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига интеграция қилишни таъминласин. Бунда, жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинган кундан бошлаб **10 кун** ичида:

**Ички ишлар вазирлиги** — вафот этган шахснинг фуқаролик паспорти ёки ID-картаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳисобдан чиқарилишини, агар фуқаро қидирувда бўлса, қидирув ва жиноят-процессуал ишларига (ҳужжатларига) тегишли маълумотлар киритилишини;

**Мудофаа вазирлиги** — вафот этган шахс ҳарбий рўйхатдан чиқарилишини;

**Ташқи ишлар вазирлиги** — вафот этган чет эл фуқаролари ва чет элда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бўйича тегишли хорижий давлатга ёки унинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига хабар берилишини;

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги** — вафот этган шахс ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилишини;

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** — вафот этган шахс “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси ҳисобидан чиқарилишини;

**Давлат солиқ қўмитаси** — солиқ қарзи мавжуд бўлмаган вафот этган шахс солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан чиқарилишини;

**бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси** — вафот этган шахснинг дафн маросими учун бир марталик нафақа тайинланишини ва унга бошқа турдаги пенсия ва нафақалар ҳисобланиши тўхтатилишини;

**Давлат хизматлари агентлиги** — вафот этган якка тартибдаги тадбиркорнинг Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестрида фаолияти тугатилган мақомига ўтказилишини таъминласин.

**2021 йил 1 майдан** бошлаб ФҲДЁ органларининг ушбу бандда белгиланган органларга жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш мажбурияти бекор қилинсин.

**9. 2021 йил 1 июндан** бошлаб:

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан давлат статистика органларига **далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш ва ҳисоботларни топшириш амалиёти бекор қилинсин.**

Бунда, давлат статистика органлари “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилган ҳолда ушбу маълумотларни реал вақт режимида олади ва статистик ҳисоботларни шакллантиради;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни Агентлик ва давлат хизматлари марказларидан сўраш тўхтатилсин. Бунда, мазкур ташкилотлар тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимидан мустақил равишда** олади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

мазкур Фармонга 1-иловада назарда тутилган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда **икки ой муддатда** уларнинг **“Электрон ҳукумат” тизими** идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларига мазкур тизимдан фойдаланиш имкони яратилишини таъминласин;

**уч ой муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали давлат хизматларидан фойдаланишда ариза-сўровномаларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш ҳамда идентификация қилишнинг замонавий воситаларини жорий қилиш орқали фойдаланувчиларга тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун қулай имкониятларни яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** фуқаролар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, ваколатли идоралар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган ҳамда рад этилган мурожаатлар бўйича, шунингдек, тезлаштирилган тартибда давлат хизмати кўрсатилмаганлиги учун қўшимча ундирилган йиғимлар суммасини соддалаштирилган тартибда қайтариш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижроси бўйича барча зарур чоралар кўрилишини, мазкур Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишида масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин, шунингдек, **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, адлия вазири Р.К. Давлетов ҳамда Давлат хизматлари агентлиги директори У.И. Мухаммадиев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 март

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ТАКЛИФЛАР ОРТАДИ, ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНАДИ

**Зиёвиддин БАДРИДДИНОВ,**
**“Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**

**Сўнгги йилларда очиқ ва шаффоф савдолар, онлайн аукционлар, бозор нархлари ва биржа котировкалари каби тушунчалар нафақат тадбиркорлар, балки оддий фуқаролар ҳаётига ҳам фаол кириб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда иқтисодиётни янада либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг юқори ликвидли ёки монопол маҳсулотлардан эркин фойдаланишини таъминлаш, товар бозорларида замонавий механизмлар ва илғор ахборот технологияларини кенг қўллаш ишлари изчил давом этаётганидан далолат беради.**



Президентимизнинг шу йил 17 март куни эълон қилинган “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни назарда тутади. Шу боис, унинг асосий мақсади мамлакатимизда биржа савдолари ва электрон тижоратни янада ривожлантириш, маҳсулотлар нархлари сунъий оширилиши олдини олиш, товар танқислигини бартараф этиш ва унинг ресурсларини эски тақсимлаш тизими элементларидан воз кечишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 15 июндан бошлаб монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган поливинилхлорид (ПВХ), формалин, истеъмол ва техник этил спирти, кумуш каби товарлар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида реализация қилинади. Бу тадбиркорларимизга мазкур маҳсулотлардан эркин фойдаланиш, сотувчиларга эса биржа савдолари қўшимча даромад олиш имконини беради.

Шунингдек, биржанинг товар бозорларида талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида жорий йил охирига қадар монополист бўлмаган, давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ёки давлат улуши умуман мавжуд бўлмаган корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам очиқ биржа савдолари орқали сотилиши белгиланмоқда. Хусусан, цемент ишлаб чиқарувчиларнинг камида 50 фоиз, чигит, пахта ёғи ва қайта ишланган чигит чиқиндилари ишлаб чиқарувчиларнинг 100 фоиз маҳсулотлари биржа савдолари орқали сотилади. Биржанинг товар бозорларига қўшимча ҳажмларнинг кириб келиши, яъни таклиф даражасининг ошиши ушбу бозорларда шаклланаётган нархларнинг мувозанатлашувига олиб келади.

Биржада экспорт-импорт операциялари ҳам амалга оширилади. Мисол учун, жорий йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси орқали 38,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 4 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, биржанинг хориждаги савдо майдончалари кўмагида нафақат маҳаллий товарлар ташқи бозорларга чиқарилади, балки талаб юқори бўлган маҳсулотлар мамлакатимизга ҳам кириб келади.

Қарорда биржанинг хорижий савдо майдончалари орқали тузилган битимлари бўйича товарларнинг божхона қийматини аниқлашни фақат мазкур битимларда белгиланган қиймат бўйича амалга ошириш вазифаси қўйиляпти. Бу эса импорт қилинаётган товарнинг таннархига ижобий таъсир қилиб, ички бозорлардаги нархларнинг барқарорлашувига хизмат қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси ва Давлат божхона қўмитаси ўртасида ўзаро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари интеграцияси ҳамда маълумот алмашинуви йўлга қўйилмоқда. Яқин келажакда биржа орқали ташқи савдо ҳажмларини ошириш мақсадида хорижий компаниялар учун мазкур савдоларда иштирок этиш механизмларини янада соддалаштирилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда биржада сотилган товарларни автотранспортда ташиш хизматларининг катта қисми норасмий равишда (нақд пулда) амалга ошириб келинаётгани сир эмас. Бу эса иқтисодиётда яширин элементлар кўпайишига олиб келади.

Шу боис, қарорда 2021 йил 1 сентябрдан монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни ташиш электрон логистика савдо портали орқали аукцион тартибида йўлга қўйилиши белгиланган. Киритилаётган бу янгилик маҳсулотларни расмий тартибда ташиш билан бирга, “шаффоф навбат” тизими эвазига биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотларни ўз вақтида юкламаслик каби муаммоларни ҳам бартараф этади. Бундан ташқари, Монополияга қарши курашиш қўмитаси зиммасига ички бозорда нархларнинг сунъий равишда ошиб кетиши ва бозордаги бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриш вазифаси юклатиляпти.

Қарор билан товар-хомашё биржаси фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Унга кўра, биржада бир қатор янгиликлар жорий этилиши кўзда тутилган.

Биринчи навбатда, биржа савдолари ва ҳисоб-китоб клиринг хизматларининг янги электрон тизимлари ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Улар биржа савдолари жараёнларини автоматлаштириш ва уларда иштирок этишни соддалаштириш ҳамда ахборот хавфсизлигини оширишга хизмат қилади.

Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали янги тизимининг жорий этилиши эса буюртмачи ва етказиб берувчиларга бир қатор қулайликлар яратади. Хусусан, яқинда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталининг оператори сифатида мутлақо янги ягона портал — xarid.uzex.uz ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бунинг натижасида давлат харидларининг барча шакллари, жумладан, электрон аукцион ва дўкон, танлов ва тендерлар ягона порталга бирлаштирилди.

“Йўл харитаси”да биржа савдоларида товар деривативалари, жумладан, фьючерс шартномалари жорий этилиши белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад нархларнинг ўзгарувчанлигидан ҳимояланиш (хеджерлаш), бозорда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, товарга бозор нархини шакллантириш, иқтисодиётга бўш маблағлар ва хорижий инвесторларни жалб қилиш имконини яратади.

Президентимизнинг “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда биржа савдолари ва электрон тижоратнинг янада ривожланиши, жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий савдо ва тўлов тизимлари жорий этилишига хизмат қилади. Пировардида тадбиркорларимиз қулай ва шаффоф электрон савдолар ва онлайн аукционларда иштирок этиб, товар ресурсларидан эркин фойдалана олади, ушбу бозорлардаги нархлар эса фақатгина талаб ва таклиф асосида шаклланади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шу йил 22 март куни 88 ёшида вафот этди.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилди. 1955 йил Тошкент давлат университетини тамомлади.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1955 йилда ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик “Тошкент ҳақиқати”, “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газеталарида адабий ходим, “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир ўринбосари, республика ёшлар нашриёти, “Гулхан” ва “Ёш куч” журналларида бош муҳаррир лавозимларида самарали меҳнат қилиб, миллий адабиётимиз ва матбуотимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Кейинчалик республика “Истеъдод” жамғармаси ҳамда “Олтин мерос” халқаро хайрия фондининг раҳбари вазифаларида фаолият олиб борди.

Катта билим ва тажрибага эга мураббий адиб сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг болаларга мўлжалланган “Уйла, изла, топ!” дастурига бошчилик қилди.

Худойберди Тўхтабоев ўзининг чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бадиий юксак ижоди билан ўзбек болалар адабиётининг забардаст намояндасига айланди.



Истеъдодли адиб олтмиш йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти мобайнида “Шошқалоқ”, “Сўқмоқлар”, “Муҳаббат қўшиғи”, “Жонгинам, шартингни айт” сингари ҳикоялар тўпламлари, “Сир очилди”, “Омонбой билан Давронбой саргузашти” қиссалари ҳамда “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Беш болали йигитча”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар”, “Жаннати одамлар”, “Қиз талашган ўсмирлар”, “Қуёнлар салтанати”, “Қиз болага тош отманг” романларини яратди.

Айниқса, ёзувчининг “Сариқ девни миниб” романи юртимиз ва дунё миқёсида жуда катта шуҳрат қозонди. Мазкур асар қирқдан зиёд хорижий тилларга таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда чоп этилган.

Мустақиллик йилларида адибнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. У ёш авлод вакилларини юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш билан бир қаторда, жамиятимизда адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

У тажрибали ижодкор, жонкуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Худойберди Тўхтабоевнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ ёзувчиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ҳамда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Худойберди Тўхтабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. САИДОВ, И. ҒАФУРОВ**

АЙЁМ ШУКУҲИ

# Ютуғимиз — эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда

**Нафисахон ЭЛЧИЕВА,**
**Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши котибияти мудири**

**Юртимиз бўйлаб гўзаллик фасли — баҳорнинг фусункор таровати ёйилаётган, мустақиллик, барқарорлик қуёши чарақлаб нур сочаётган шу кунларда юртдошларимиз меҳр-оқибат, нафосат тантанаси, янгиланиш, анъана ва қадриятлар айёми — Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонламоқда.**



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини ойнаи жаҳон орқали барчамиз фахр-ифтихор билан тингладик.

“Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда. Халқимиз соғлиғини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўплаган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур”, — деди давлатимиз раҳбари ўз табригида. Ҳа, албатта, барчамиз карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, ўз соғлиғимизга беэътибор бўлмасдан, ҳамиша ҳушёр бўлмоғимиз даркор.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз — меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади”.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда.

Наврўз чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Мустақиллик йилларида Наврўз умумжаҳон байрами сифатида тан олинди. Шунингдек, у ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. Наврўз байрами элимизда ободлик, тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳанг.

Наврўз арафасида бошланган иш, қилинган амаллар ҳамиша хайрли бўлади, дейди халқимиз. Бугун янги Ўзбекистонда янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда. Барчамиз бор билим ва кўникмаларимизни ишга солиб, юртимиз ривожи йўлида меҳнат қиляпмиз. Ва бу йўлдан бир зум бўлса-да, ортга қайтмаймиз. Чунки бизнинг мақсад ва режаларимиз аниқ, йўлларимиз эса нурафшондир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Президентимиз айтганидек, шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлик-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# МАҲАЛЛА ДУНЁДА ЎХШАШИ БЎЛМАГАН, ЭЗГУЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН НОЁБ ТУЗИЛМАДИР

Бошланиши 1-бетда



**Матильда ДИМОВСКА, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти бошчилигида мамлакатингизда мазкур тузилма фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, унинг оилаларни қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариб келаётгани мени беэътибор қолдирмайди.

Қолаверса, бугун юртингизда ушбу ноёб институтнинг аҳоли муаммолари билан ишлаш, уларни ҳал этиш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шуларга таяниб, мен маҳаллани халқингизга хос демократия мактаби, деб атаган бўлардим.

Шунингдек, ушбу институт фаолиятини чуқур ўрганиш давомида яна шундай хулосага келдимки, маҳалла жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг ўзига хос шаклидир.

Шу кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, бироқ инсонларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган, улар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайдиган бундай тузилмани кўрмаганман.

Фикримча, маҳалла институти бутун дунёда бўлиши керак бўлган ноёб тузилмадир.



**Жон МАКГРЕГОР, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси:**

— Халқингиз ҳаёти билан яқиндан танишиш жараёнида маҳалла институти жамиятни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда муҳим ва ажойиб тузилма эканига гувоҳ бўлдим.

Шу боис, маҳалла менинг Ўзбекистондан олган энг яхши таассуротларимдан бири, десам муболаға қилмаган бўламан.

Айниқса, Тошкент шаҳридаги “Афросиёб” маҳалласига ташриф чоғида ҳукуматингизнинг ўз фуқароларига қандай эътибор ва ғамхўрлик қилиши менда ўзгача таассурот қолдирди. Хусусан, маҳаллада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўгараклар, ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилгани ва бу эзгу ишларда маҳалла фаоллари бош-қош бўлаётгани менга жуда ҳам манзур бўлди. Шунингдек, ушбу институт томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш соҳа ходимларидан жуда катта фидойиликни талаб этади. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатингизда 22 март — маҳалла тизими ходимлари куни сифатида белгиланишини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ўртасида доимий ҳамкорлик барқарор бўлишига ўз ҳиссамни қўшишга тайёр эканимни билдираман.



**Ашита МИТТАЛ, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича Марказий Осиё бошқармасининг минтақавий вакили:**

— Маҳалла ўзбек давлатида фуқаролик жамиятининг энг кучли бошқарув тизими ҳисобланади.

Ушбу институтнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аёллар, ёшлар, кексалар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашдаги ўрни катта.

Мен туғилиб ўсган Ҳиндистонда ҳам маҳалла тизимига ўхшаш тузилма мавжуд, аммо бу қадар тартибга солинган эмас. Ўзбек маҳаллалари пандемия даврида аҳолига яқиндан ёрдам беришда самарадор тизим эканини кўрсатди.

Биз Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълим вазирликлари билан доимий ҳамкорлик қиляпмиз. Энди улар қаторига Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳам қўшилди. Биз бундан жуда ҳам хурсандмиз.

Ўзбекистонда амалга ошираётган лойиҳаларимиздан бири ёшларнинг турли нотўғри ақидаларга эргашишининг олдини олиш, хусусан, турли қуролли тўқнашувлар бўлаётган ҳудудлардан олиб келинган фуқаролар, жумладан, ёшларга эътибор қаратишдир.

Келгусида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишига ишончим комил.



**Зехавит БЕН-ГИЛЕЛЬ, Исроилнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Элчи лавозимига тайинланганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Бу қисқа давр мобайнида мени юртингиздаги ҳар бир жараён ва ҳудудлардаги ўзига хос жиҳатлар ҳайратда қолдирмоқда.

Айниқса, ўзбек жамиятидаги миллий бошқарув тизими сифатида тан олинган маҳалла менда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу жараённи пандемия даврида янада яққол кузатдим. Маҳаллалар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат идоралари билан бир қаторда иш олиб борди.

Айниқса, кексалар ва ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашда маҳалла тизимининг ўрни нақадар муҳим экани яққол кўзга ташланаётир. Бунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда.

Мен 1500 га яқин аёлнинг маҳалла раиси сифатида ишлаётганини эшитиб, тўғриси, хурсанд бўлдим. Исроил ҳукуматига бу ажойиб тузилма ҳақида сўзлаб бераман.



**Николай ДОРОШЕНКО, Украинанинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Юртингизга келганимга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ўзбек маҳалласи ва унинг фаолият йўналишлари ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлдим.

Юртингизда барча — ёшу кекса ўз ҳаёти мазмунини оила ва туғилиб ўсган маҳалласидаги хотиржамлик ва унда ҳукм сураётган меҳр-оқибат, ишонч, ҳалоллик каби соф инсоний туйғуларнинг мустаҳкамлигида кўради. Яъни халқингиз маҳаллани қалбан, руҳан ҳаловат топадиган маскан сифатида қадрлайди.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртингизда маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши ҳамда тизимга давлат сиёсати даражасида эътибор қаралиши ўзбек халқи учун маҳалла ва оила нечоғлик муқаддас қадрият эканининг яққол тасдиғидир.



**Ибрагим ЖУНУСОВ, Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбек ва қирғиз халқини азалдан дўстона алоқалар боғлаб туради. Тили ва дини бир, тарихи, маданияти муштарак бўлган бу икки қардош халқ бир ариқдан сув ичади. Шу боис, икки халқнинг урф-одат ва қадриятлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Қирғиз халқида “Олам оиладан бошланади”, деган ажойиб нақл бор. Бу сиз, ўзбеклардаги “Дунё маҳалладан бошланади”, деган ибратли сўзга жуда ҳам ўхшаб кетади.

Шу маънода олиб қараганда, халқларимиз ҳаётида оила ва маҳалланинг ўрни беқиёс.

Қолаверса, юртингизда маҳаллада яшайдиган инсонларнинг бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиши, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш ва уларга кўмак бериш ўрнак олса арзийдиган жиҳатдир. Шу билан бирга, ўзбек маҳаллаларида ҳар бир тадбир уюшқоқлик билан ташкил этилади.

Умуман олганда, маҳаллани дунёда ўхшаши йўқ бутунлай янгича тизим дейиш мумкин.



**Жемаледдин ТУНЕЙ, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбек ва турк халқларини кўп асрлик тарих боғлаб туради. Шу сабабли мен маҳалла институтининг жамиятда тутган ўрни ҳақида яхши хабардорман. Ўзбекистондаги маҳалла тизими ва унинг ўзига хосликлари ҳақида кўп учрашувларда таъкидлаб ўтганман.

Янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўтган бир йиллик фаолияти давомида маҳалла институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда кўплаб амалий ишларни амалга оширди.

Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўйлайманки, бу ҳамкорлик ишларимиз бундан кейин давом этади.



**Катя ЗЕТСКОРН, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ваколатхонаси лойиҳалар раҳбари:**

— Ташкилотимиз ҳозирги вақтда Марказий Осиёда зўравонлик ва экстремизмнинг олдини олиш бўйича лойиҳа доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистонда иш олиб боряпти. Хусусан, Ўзбекистонда кўпгина вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз.

Бунда асосий эътибор ёшларни турли салбий ҳолатлар, кўнгилсизлик ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, эркаклар ва аёллар ўртасидаги гендер тенгликни таъминлашга қаратилмоқда.

Ўйлайманки, мазкур лойиҳалар доирасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қиламиз.



**Томас УИТ, Европа Иттифоқи делегациясининг сиёсий атташеси:**

— Мен Ўзбекистонга Европа Иттифоқи вакили сифатида келганимга бир неча ой бўлди. Келганимдан сўнг Тошкентдаги маҳаллалардан биридан ижарага уй олиб, шу ерда яшай бошладим. Кўчиб кирганимдан икки кун ўтиб маҳалладаги профилактика инспектори уйимга келди ва ўзини таништириб, гувоҳномасини кўрсатди. Шундан сўнг у менга хушмуомалалик билан ким эканим ва бу уйда қачондан бошлаб яшай бошлаганимни сўради. Мен унга ўзим ҳақимда тўлиқ маълумот бердим.

Шу ўринда маҳаллага кўчиб келган ҳар бир шахсдан профилактика инспектори хабар олаётгани мени қувонтирди. Мен ўзим яшаётган маҳалламда хавфсиз ва бехавотир эканимга ишонч ҳосил қилдим.

Шундан сўнг мен ўзбек маҳаллалари тўғрисида кўпроқ ўрганишни бошладим ва тарихий қадриятлар асосида шаклланган маҳалла институти ўзига хослиги билан менда чуқур таассурот қолдирди.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

## ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ИШОНЧ ТОБОРА ОРТМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бугун шу саъй-ҳаракатлар самарали давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олингани ҳам эътиборли. Кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечилиб, янгича ёндашувлар жорий этилаётгани давлат хизматига салоҳиятли кадрларни жалб этиш имконини бераётгани билан янада аҳамиятлидир.

Яқинда давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали — vacancy.argos.uz платформаси ишга туширилган, бу тизим орқали малакали кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш механизми амалиётга жорий этилган эди. Бугун танловда ғолиб бўлган бир гуруҳ ёш кадрлар ўз вазифаларини бажаришга киришган.

Мухбиримиз давлат хизматига кадрларни саралаш тизимидаги янгиликлар ва танлов асосида ишга қабул қилинган ёш мутахассислар фикрлари билан қизиқди.




**Илҳом ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департаменти мудири:**



— Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга доир кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга юритиш амалиётидан воз кечиш, давлат органлари, ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассисларга эҳтиёжини қондириш, кадрлар салоҳиятининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқлигини, қабул қилинаётган қарорлар сифати ошишини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат фуқаролик хизматини, жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи, давлат фуқаролик хизматчилари иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонлар, кадрлар малакасини оширишга бўлган талаблар юзасидан самарали механизмлар соҳага татбиқ этиляпти.

Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини юритишга, ходимларни самарали бошқариш, инсон ресурсларини ривожлантириш, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл очилмоқда.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда номзодларни саралаб олишнинг профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган шаффоф механизмлари шакллантирилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида барча даражалардаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиятчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чоралари кўриляпти.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инсон ресурсларини ривожлантиришга оид, хусусан, давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқиш, давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ҳамда билимини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш, кадрларни танлашда очиқ ва ошкора танлов тизимини жорий этиш, кадрларни билимли, қатъиятли, коррупцияга тоқатсиз қилиб тайёрлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берилди.

Шу мақсадда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизимини жорий этишга қаратилган ишларни жадаллаштирди. Агентлик томонидан бир қатор давлат идоралари билан ҳамкорликда давлат фуқаролик хизматига киришда инсон омилини камайтириш ҳамда барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиш мақсадида **Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали — vacancy.argos.uz платформаси** ишлаб чиқилди.

Мазкур портал давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант лавозимларни эгаллаш учун номзодларнинг очиқ мустақил танловларини ташкил этадиган электрон тизим бўлиб, интернет тармоғида "бир дарча" тамойили асосида фаолият кўрсатади.

Портал Ўзбекистон фуқароларига вакант лавозимларга электрон тарзда ҳужжат топшириш имконини беради ҳамда номзодлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилинишида инсон омилини минимал даражага камайтиришга хизмат қилади.

Март ойи таҳлилларига назар солсак, порталга 44 вазирлик ва идора, 190 туман (шаҳар) ҳокимликлари уланган ҳамда 2 минга яқин вакант лавозим бўйича танловлар эълон қилиниб, 35 минг номзоддан ҳужжатлар келиб тушган. Бу битта вакант лавозимга ўртача 15-20 номзод ҳужжат топширганини англатади. 1237 вакант лавозимнинг 578 тасида (47 фоиз) малакали ходимлар танлов ғолиби сифатида ишга қабул қилинган бўлса, 659 лавозимга қайта танлов эълон қилинди.

Вакант лавозимлар очиқ портали фаолияти ёшлар, айниқса, олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги олдига қўйилган вазифаларни бажаришда вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг салоҳиятли кадрлар бўлинмаларига таянади. Шу мақсадда агентлик давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш, инсон ресурсларини ривожлантириш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ишларни бажармоқда. Ташкилотлар кадрлар бўлинмаларининг давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданияти ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

Шу билан бирга, доимий равишда кадрлар бўлинмалари раҳбарларининг малакасини оширишга қаратилган махсус курслар ташкил этилиб, давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари, истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш, бу соҳадаги муаммолар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, очиқлик, профессионаллик, ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ходимларни бошқариш, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди. Бу эса давлат фуқаролик хизматининг "ўсиш нуқталари"ни белгилаш, соҳани янада ривожлантириш ҳамда сифат кўрсаткичларининг ошишига хизмат қилмоқда.

**Мурод АМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Бухоро вилояти филиали бош инспектори лавозимига ўтказилган очиқ мустақил танлов ғолиби:**



— Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг янги ташаббуси билан малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл очилмоқда. Бу, ўз навбатида, номзодлардан юксак салоҳият талаб этади. Мен ҳам ишга жойлашиш учун vacancy.argos.uz платформаси орқали ариза топширдим. Муҳими, жараёнлар шаффоф, адолатли механизм асосида амалга оширилди. Ушбу очиқ жараён кадрлар билан ишлашнинг замонавий тамойилларига асосланганы сабаб коррупциядан ҳам йироқ. Бу ёш кадрларнинг давлат хизматига бўлган ишончини янада оширмоқда.

**Сурайё ШЕРҚЎЗИЕВА,**
**Жиззах шаҳри ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига ўтказилган очиқ мустақил танлов ғолиби:**



— Мамлакатимизда инсон ресурсини ривожлантириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмунан бойиб бормоқда. Вакант лавозимларнинг ягона очиқ портали ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди. Мен ҳам очиқ ва ошкора тизимли танловлар орқали ўз салоҳиятимни синаб кўрдим. Ёш кадр сифатида айтишим мумкинки, олий таълим муассасасида ўқиб юрган кезларимда менда "Келажакда қандай иш топаман, давлат хизматига кириш қанчалик шаффоф?", деган савол бор эди. Тенгдошларимга маслаҳатим шуки, ортиқча маълумотномалар йиғишни тўхтатинг ва Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали орқали давлат фуқаролик хизматига киришга шошилинг.

**Фирдавс ҚУТЛИЕВ,**
**Халқ таълими вазирлиги таълим сифати жараёнларини мувофиқлаштириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш бошқармасининг таълим сифати жараёнларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи — бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига ўтказилган очиқ мустақил танлов ғолиби:**



— Давлат идораларига тажрибали кадр, бизга ўхшаган ёшларга эса муносиб меҳнат шароити керак. Очиғи, ривожланган аксар давлатларнинг ишга қабул қилиш механизмига ҳавас қилардим. Очиқ, онлайн, кучли рақобат. Vacancy.argos.uz платформаси ҳақида ўқиб хурсанд бўлдим. Бу платформа Ўзбекистонда кадрларни ишга қабул қилиш сиёсатида ўзига хос туб бурилиш бўлганини англадим. Ўзимни синаб кўрдим. Барча босқичлар онлайн тарзда ўтди ва танлов ғолиби бўлдим. Бугун ушбу очиқ портал фаолиятини ёшлар, айниқса, олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўртасида кенг тарғиб этиш айни муддао, деб ўйлайман. Бу механизм орқали ёшларнинг давлат хизматига бўлган ишончи ортади ва салоҳиятли кадрлар саралаб олинишига эришилади. Натижада ҳукумат ва халқ ўртасида ўзаро ишонч пайдо бўлиб, мавжуд муаммолар бартараф этилади. Шунингдек, соҳаларни янада ривожлантириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш имконияти ортади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири**
**Улуғбек АСРОРОВ ёзиб олди.**

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ЭНГ МУҲИМИ — НАРХ, СИФАТ ВА МУДДАТ

## Тошкент вилоятида арзон ва кўркам уй-жойлар қурилиши янада жадаллашади

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Аҳоли сонининг ортиши, жойларда йирик корхоналарнинг ишга тушиши ҳисобига одамларнинг яшаш жойларига бўлган талаби ўсиб бориши табиий. Айни пайтда бу борадаги эҳтиёжни қондиришга бўлган саъй-ҳаракатлар жадаллик билан олиб боριляпти. Аммо мақсад фақатгина сон натижадорлигига эришишдан иборат эмас. Давлатимиз раҳбари ҳар гал шу йўналишда ўтадиган йиғилишларда соҳа вакиллари олдига арзон ва сифатли уй-жой қуриш вазифасини қўйяптики, одамларнинг уларни харид қилишга қурби ҳам, имконияти ҳам етсин.

Президентимиз жорий йилнинг 18-19 март кунлари Тошкент вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти билан танишиш жараёнида ҳам уй-жойлар нархларини имкон қадар тушириш, бунинг учун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўламини ошириш юзасидан кўрсатмалар берди. Хусусан, Юқори Чирчиқ туманидаги йирик йиғма темир-бетон панеллари тайёрлашга ихтисослашган "Евро Глобал Инвест" МЧЖ корхонасида бўлган чоғида: "Шундай кластерларни бошқа ҳудудларда, Самарқанд ва водий вилоятларида ҳам кўпайтириш керак. Қурилишда энг муҳими нарх, сифат ва муддат. Шунинг учун рақобатбардош қурилиш материаллари тури кўп бўлса, нарх-наво арзонлашади. Бу корхонада малакали мутахассислар тайёрлаш учун марказ ташкил этиш керак", — дея таъкидлади.

### Инвестицион лойиҳалар кўпаймоқда

Уйнинг пойдевори мустаҳкам бўлса, узоқ йиллар ўз соҳибига "оҳори тўкилмасдан" хизмат қилади. Мустаҳкам пойдеворнинг асосини эса пишиқ ва бардошли қурилиш материаллари ташкил этади. Бугун жаҳон бозорида тежамкор, арзон ва сифатли қурилиш материалларига талаб ортаётгани боиси ҳам шундан. Дунё мамлакатлари аллақачон оддий ғишт ўрнига ундан анча енгил, пишиқ, шовқин қайтарувчи, иссиқ ва совуқдан ҳимоялаш хусусиятига эга газобетондан фойдалана бошлаган. Бошқа турдаги анъанавий қурилиш материаллари ўрнини ҳам замонавийлари эгаллаб бормоқда.

Илғор технологиялар асосида янгича қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, бу йўналишда жаҳон тажрибасини қўллашга мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб, янги корхоналар фаолияти йўлга қўйиляпти.

2 миллион 994 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган Тошкент вилоятида ҳам бу борада янги марралар кўзланган. Табиий захираларга бой бўлган мазкур ҳудудда замонавий уй-жойлар барпо этилиб, қурилиш материаллари саноати йилдан-йилга жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ҳудудда ушбу йўналишда инвестиция салмоғи ортиши ҳисобига 2020 йилда вилоят бўйича 973 та корхона томонидан 4,9 триллион сўмлик керамик плиталар, керомагранит, газобетон, пардозбоп тошлар, металл конструкциялар каби 25 дан зиёд турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди.



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси берган маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида 2020 йил давомида юзага келган мураккаб пандемия шароитига қарамасдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати 9 триллион сўмлик 102 та лойиҳа ишга туширилиб, 3 777 та янги иш ўрни яратилди. Мисол учун Оҳангарон туманида йилига 200 минг куб метр автоклав газобетон блоклари ишлаб чиқариш имкониятига эга "East Mining Invest" МЧЖ қўшма корхонаси ишга туширилган бўлса, Ўрта Чирчиқ туманида 201 миллиард сўм инвестиция маблағлари ҳисобига "Тошкент темир-бетон уй қурилиш комбинати" МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди.

### Янгича ёндашув — замон талаби

Юқори Чирчиқ туманида ўтган йилнинг декабрь ойида иш бошлаган "Евро Глобал Инвест" МЧЖ ҳам ана шундай йирик лойиҳалардан бири. Лойиҳа қиймати 289,9 сўм бўлган корхона Германия технологияси асосида йилига 180 минг квадрат метр уй-жой қуриш учун йиғма темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш, 1 миллион тонна тош майдалаш, яна шунча асфальт тайёрлаш қувватига эга. Шу ернинг ўзида ички ва ташқи эшиклар, дераза ромлари, мебеллар ҳам ясалмоқда.

Бугун юртимизда қурилиш кўлами кенгайиб, янгича дизайндаги темир-бетон материалларига талаб ортиб бормоқда. Шу боис, корхона мутахассислари 7 гектарлик ишлаб чиқариш майдонига ўрнатилган Италия, Германия ва Австриядан келтирилган замонавий линиялар ёрдамида сифатли, жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар тайёрлашга интилади. Мазкур қурилиш материаллари ишлатилган уйлар таннархи бошқаларга нисбатан 30 фоиз арзон бўлади.

Кластер усулидаги мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёни кетма-кетлиги автоматик тарзда бир-бирига занжир мисол боғланиб кетаверади. Ишчи-ходимлар юқори аниқликдаги технологияларни бошқариш асносида "ақлли" қурилмаларга зарур топшириқларни электрон дастурлар орқали бериб туради.

— Айни пайтда корхонада 850 нафар ишчининг бандлиги таъминланган бўлиб, йил якунигача иш ўринлари сонини 1,5 мингтага етказишни режалаштирилганмиз, — дейди "Евро Глобал Инвест" МЧЖ раҳбари Жамшид Иноғомов. — Давлатимиз раҳбари корхонамизга ташрифи давомида материаллар ишлаб чиқариш ва қурилишнинг тўлиқ "занжири"ни ташкил қилиб, уй-жойлар нархини янада арзонлаштириш, кўпроқ ёшларни ишга жалб этиш зарурлигини таъкидлади. Албатта, бу борадаги ишларни самарали ташкил этишга киришамиз. Шунингдек, Президентимизнинг топшириғи асосида қисқа вақтда мутахассисларни тайёрлайдиган марказ фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз.

Тошкент вилоятида бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми сифатида 2021-2022 йилларда ҳам умумий қиймати 11,5 триллион сўм бўлган 125 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириб, 8 062 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жорий йилда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,3 триллион сўмгача, жумладан, импорт ўрнини босувчи қурилиши материаллари ишлаб чиқариш 85 миллион долларгача, экспорт ҳажми эса 62 миллион долларга ошиши, бунинг натижасида вилоятда қўшимча 3 572 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Тошкент вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутади ва ҳудудда саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Ана шу йўналишларни бундан-да ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг белгиланиши вилоятнинг имкониятларини янада кенгайтириб, одамларнинг фаровон, ҳаётидан рози бўлиб турмуш кечиришига, янги, арзон ва сифатли уйларда умргузаронлик қилишларига хизмат қилади.



ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

# ОЛАМ МАЪМУРЛИҒИ АЛАРДИН...

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида эътироф этилганидек, “Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда.**

**Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободеҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз”.**

**Элнинг дуоси доимо ижобат бўлиб келган. Қолаверса, кейинги кунлардаги оби ҳаво деҳқону чорвадор учун йил яхши келишидан далолат беряпти. Айниқса, Наврўз айёми арафасида ёққан ёмғирлар дашту далаларда ер очаётган, ризқ-рўз сочаётган деҳқону фермерларни мамнун этди.**

**Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги “Истиқболли Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалигининг айни кунлардаги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.**

## Тупроқ ҳиди

Чўл ҳавосининг авзойи кун бўйи очилмади. Майдалаб ёға бошлаган ёмғир кеч киргач, зўрая борди. Ўктам трактори ойнасига тобора қаттиқ урилаётган ёмғир томчилари радиодан таралаётган мусиқага ҳамоҳанглигини кўнглидан ўтказди.

Бу яйдоқ чўлнинг ҳосилию даромади, шу ерликлар тили билан айтганда, осмонга қараб қолган. Агар кўклам яхши келса, яъни ёмғирли бўлса, дўппингни осмонга қанча отсанг ҳам камлик қилади. Аввалги йили баҳор шундай келди. Етимтоғ этаклари одамнинг белига етгулик ўт-ўланлар билан қопланди. Чўпоннинг ҳам, деҳқоннинг ҳам пичоғи мойга ботди. Ҳозирги кунда ҳам ернинг жон томирига етиб борадиган ана шундай ёмғир ёғяпти.

Кўкламнинг ҳар куни йилга татийди. Бир дам ҳам ғанимат. Нурота тизма тоғларининг ўркачи бўлган Етимтоғ этаклари Айдаркўл қирғоқларига туташиб кетган. Унинг ёнбағирларида чорак аср аввал деҳқончилик қилинган, сара узумлар етиштирилган. Лекин сув таъминоти, мелиорация ишларидаги муаммолар охир-оқибат ерларни ишдан чиқариб юборди. Тоғ этакларидаги юзлаб гектар майдонлар яйдоқ чўлга, пода боқиладиган даштга айланиб қолган.

Шу йилдан бу ерлар манзараси тубдан ўзгаряпти. Бундан ҳафта аввал Ўктам Абдуллаевни “Истиқболли Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Элдор Абдуғаниев чақириб қолди. Элдорнинг отаси, яқинда пенсияга чиққан бўлишига қарамай, ҳануз изланиш ва янгиликни жорий қилишда камарбаста бўлиб келаётган Мирзаали Ашуров билан биргаликда янги режанинг маслаҳати бўлди. Етимтоғ этагида фермер хўжалигига қарашли 40 гектар ерда узум етиштиришга қарор қилинибди. Шу майдонни шудгорлаш керак. Ерларнинг ҳолати ўрганилган. Қаттиқ тупроқли бўлгани учун у бошқараётган, “New Holland T6070” тракторида эртадан ишни бошлашга келишилди. Плуглар янги ва керакли чуқурликда ерни ҳайдай олади. Куну тун ишлаб, шудгорни қисқа фурсатда тугаллаш зарур. Бунда унга ҳамкасби Озод Ҳамроев ёрдам беради, яъни алмашиб ишлашади.

Мана далани ҳайдаш ишлари охирига етяпти. Лекин ўт-ўланларга қоришиқ ернинг ҳиди унинг димоғидан кетмайди. Чунки чорак асрдан буён бўзга айланиб кетган майдонлар ағдарилиши билан таралган тупроқ уфори дилни яйратиб юборади. Тез орада бу ерларга ток қаламчалари экилади, қазилган тик қудуқлар орқали томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланади. Тажрибадан маълум, тоғ ёнбағирларидаги узум ҳосили эрта етилади ва яхши майиз беради. Балки орадан уч-тўрт йил ўтиб, ҳосили Америкага ҳам экспорт қилиниб, ундан ушбу тракторни яратганлар ҳам татиб кўрса, ажаб эмас.

Ўктам хаёлига келган ўйдан мамнун жилмайиб қўйди-да, насиб этса, ҳаммаси бўлади, дея кўнглига туйди. Чунки бундан беш-олти йил олдин хўжаликда етиштириладиган қовунлар европаликлар дастурхонига етиб боради, деса кўпчилик ишонмасди.

Уч йил бурун “New Holland T6070” тракторини ҳайдаш ҳам Ўктам учун орзу эди. Мирзаали Ашуров унга харид қилинган трактор калитини тутқазганда, қанчалик қувонгани, қалби ғурурга тўлгани ҳалигача эсидан чиқмайди. Аслида хўжаликда ҳайдов, ишлов ва ўрим-йиғимда ишлатиладиган, ҳатто хашак ўриш ва пресслаш техникалари дейсизми, ҳаммасидан бор. Уларни бошқаришни миридан-сиригача яхши билади. Лекин “New Holland”дек кучли ва ўта замонавий тракторни бошқариш бошқача-да. Энг муҳими, ишдаги унум ва сифатдан кўнглингиз яйрайди.

## Чўлнинг ойдин чироқлари

Мирзаалини раҳматли акаси Иброҳим чўлга етаклаб келганида ёш йигитча эди. Унинг қаватида деҳқончилик ҳам, ҳисобчилик ҳам қилди, чорвачилик фермасига бош ҳам бўлди. Бу ерларнинг нони қаттиқлигини яхши билади. 2005 йилга келиб, унинг ўзи фермер хўжалигига асос солди. Кейин у ўғлининг номи билан “Истиқболли Элёр Чимқўрғон” деб аталди. Кўп йиллар давомида пахта ва ғалла етиштириш бўйича режаларни ортиғи билан бажариб келди. Қора қозонни қайнатиш мумкин-ку, лекин меҳнатга яраша даромад кам эди.

Излаган имкон топади, деганлари рост гап. Чорва молларини парваришлашга ўтиб, улар бош сони орта бошлагандан кейин маҳсулотни сотиш муаммоси кўндаланг бўлди. Бундан ўн йил



муқаддам эски хўжаликнинг қаровсиз ётган биносини сотиб олиб, сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширгандан кейин бу муаммо ўз ечимини топа бошлади. Мана, бугун фермер хўжалигининг 100 бошдан зиёд қорамоли ва 600 бошга яқин қўй-қўзиси бор. Сут қайта ишланиб, сариёғ, қатиқ, бринза каби маҳсулотлар қадоқланган ҳолда, Пахтакор, Боғдон шаҳарчалари ва Лолазордаги дўконларга етказиб беріляпти.

Бундан тўрт йил олдин фермер хўжалигининг пахта ва ғалла экиб келинган юз саксон гектар ери янги иншоот қурилишига берилди ва унинг ўрнига Етимтоғ этакларидан етарли майдонлар ажратилди. Юқорида қайд этилганидек, ишдан чиқиб кетган ва суғориш тизими бўлмаган даштда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис, ерлардан самарали фойдаланишнинг янги тизимини ишлаб чиқди.

Унга кўра, юз гектардан ортиқ майдонни суғориш учун ўн километрга яқин электр тармоғини тортиш ва 13 та тик қудуқ қазиш зарур бўлади. Бунинг учун ўз маблағлари, банкдан олинадиган имтиёзли кредит ва субсидиялар ҳисобига симёғочлар ва 5 та трансформатор ўрнатишга тўғри келади. Бунда уларга давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ бўйича ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгиланганни жуда қўл келади.

Фермер хўжалигининг бу йўналишда бажарган ишлари ўз самарасини бера бошлади, режадаги тадбирлар ҳам бирин-кетин амалга ошяпти. Айни кунларда Етимтоғнинг Айдаркўл томонларига ўтсангиз, тунда порлаб турган чироқлар диққатингизни тортади. Улар, энг аввало, ишчи-мутахассислар дам оладиган бинони ва учта иссиқхонани ёритиб турибди.

## Қовуннинг ўзи 600 минг долларлик даромад келтиради

Бу йил 60 гектар ерда қовун етиштириш мўлжалланмоқда. Бир гектар майдонга 7 мингта ниҳол қадалиши ҳисобга олинса, умуман олганда, 420 минг дона уруғга эҳтиёж борлиги аён бўлади. Демак, ҳозирги кунда иссиқхоналарда ана шунча миқдордаги уруғ стаканчаларда парваришланяпти. Уларни ўстириш жуда нозик, гўдак мисол эътиборни талаб этади. Бунда ҳар бир жараён муҳим. Энг аввало, пахта тозалаш корхоналари чиқитидан ҳосил қилинган чириндилар кичик стаканчаларга жойланиб, ичига уруғ қадалади. Тез ва дуркун униши учун 20 кун давомида иссиқхона шароитида парваришланади. Шундан кейин далага ва яна плёнка остига ўтказилади. Ҳаво қизий бошлаши билан агротехник тадбирларга эътибор оширилади. Қарабсизки, май ойи охирига келиб, қовун пишиб турибди.

— Ҳозирги пайтда биз учун энг мақбул йўл шу, — дейди Мирзаали Ашуров. — Авваллари маҳаллий қовун экардик. Лекин улар узоқ йўлга унчалик чидаш бермади. Кейинги пайтда ўзимизнинг “Оқ уруғ” билан бир қаторда, хорижнинг “Дакара”, “Мазаин” навларини экяпмиз. Қадоқлашда маҳсулотнинг ўлчами асосий ўрин тутади. Шу боис, Европа бозорини ўйлаб, таъми ўзимизникидай тилни ёрадиган бўлмаса-да, хориж навларини экяпмиз. Даромад ёмон бўлмаяпти. 2019 йили 200 000, 2020 йили 400 000 АҚШ доллари миқдорида қовун экспорт қилдик. Бу йилги мўлжал — 600 000 доллар. Насиб этса, Қозоғистон, Россия, Беларусь ва Польша бозорларига етиб боради. Яна бир томони, камида олтмиш киши иш билан таъминланади.

## Ғўза билан кунжут қўшиб экилганда...

“Истиқболли Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалиги кўп тармоқли. 20 гектар майдонда ғалла ва шунча ерда пахта етиштиради. Ўтган йили бу ерда янги тажриба синовдан ўтказилди. 5 гектар майдонда чигит кунжут уруғи билан қўшиб экилди.

— Бунинг учун чигит сувда намланади ва унинг устига кунжут уруғи сепилади, — дейди Элдор Абдуғаниев. — Сеялкада иккаласи биргаликда ерга қадалади. Униб чиқишдаги қалинлигига қараб, ягана қилинади. Ғўза қандай парваришланса, у ҳам шундан озиқланади. Июль ойи охирларига келиб, кунжут қўлда йиғиб олинади. Ўтган йили гектарига 500 килограммдан ҳосил берди. Ҳар бир килоси бозорда 12 минг сўмдан туради. Бу — гектар бошига олти миллион сўм фойда берди, дегани. Жорий йилги мавсумда ғўза билан кунжут қўшиб парваришланадиган майдонларни 10 гектарга етказмоқчимиз.

Кунжут бир йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 60-120 сантиметрга етади. Уруғи таркибида 55-68 фоизгача мой, 16-22 фоиз оқсил ва 18 фоиз эрийдиган углевод бор. Унинг мойи озиқ-овқат саноатида ва упа-элик ишлаб чиқаришда муҳим хомашё ҳисобланади. Шифобахш хусусиятлари ҳам талайгина. Абу Али ибн Сино кунжут уруғи ва мойи ёрдамида қон қуйилган аъзолар, шишлар ва астма хасталикларини даволаган.

Оқ донли кунжут уруғларидан юқори сифатли ҳолва, парфюмерия воситалари ва турли ширинликлар тайёрланади. Дунё саноатида ўсимлик консерва, кондитер, тиббиётда дори-дармон ишлаб чиқаришда, юртимизда эса, айниқса, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда кенг ишлатилади.

## Саховатли ишлар мукофоти

Зафаробод туманидаги “Лолазор” маҳалла фуқаролар йиғини ўтган йилдан бошлаб ўз тарихининг янги саҳифаларини оча бошлади. Давлат дастурига кирган маҳалла қурилиш-таъмирлаш ишлари туфайли файзли масканга айланди. Бу жараёнга тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти.

“Истиқболли Элёр Чимқўрғон” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Элдор Абдуғаниев ўттиз икки ёшни қоралаб қолди. У ҳам тенгқурлари каби спортни, айниқса, футболни яхши кўради. Лекин шуғулланиш учун имконият йўқ эди. Шунинг учун маҳалла марказидаги бўш турган жойда замонавий кичик футбол майдончаси қурилишига бошқош бўлди. Айни кунда бу ерда тўп тепаётган болаларнинг шодон қийқириқлари тинмайди.

Илгари хўжалик идораси бўлган, кейинчалик ташландиқ ҳолга келиб қолган бино аукционда сотиб олиниб, тубдан таъмирланди ва “Ёшлар меҳнат гузари”-га айлантирилди. 16 та тикув машинаси харид қилиниб, тикувчилик цехи очилди. Унинг ёнида бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш юритяпти.

— Яқин кунларда хусусий мактабгача таълим ташкилоти очиш ниятидамиз, — дейди Элдор Абдуғаниев. — Бунинг учун биномиз бор. Ҳозир уни замонавий жиҳозлаш устида ишлаяпмиз. Боғчада юзга яқин болакайнинг тарбияланиши учун шарт-шароит яратилади.

Юртимиздаги кўпгина тадбиркорлик субъектлари каби ушбу фермер хўжалиги ҳам пандемия авж олган паллаларда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этди. Бу борадаги эзгу ишлар Наврўзи олам кунлари ҳам давом этяпти.

Деҳқону фермер бу ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳазрат Навоий бобомиз айтганларидек, “Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин...”

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

# Аҳоли саломатлиги ва турмуш фаровонлигига хизмат қилаётган лойиҳалар

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли чучук сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Мазкур муаммога қўшимча равишда таъкидлаб ўтиш жоизки, юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи айнан ичимлик сув сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ. Табиийки, бу глобал муаммо инсониятнинг тўкис ҳаёт кечиришига, келажак тараққиётга ўз таъсирини ўтказмоқда.**



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Шу боис, жаҳон ҳамжамияти инсоният эътиборини доимий равишда мазкур муаммога қаратиб келаётир. Сайёрамизда ҳар йили 22 март — Бутунжаҳон сув куни сифатида нишонланиши замирида ҳам шу мақсад мужассам.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мамлакатимиз учун ҳам ўта долзарб масаладир. Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги долзарб вазифаларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилиши натижасида биргина 2020 йилда мамлакатимизда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3, 4 триллион сўм ёки 2017 йилга қиёслайдиган бўлсак, ўн баробар кўп маблағ ажратилди. Бу маблағдан мақсадли фойдаланилиши натижасида аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етказилди.

Айни кунларда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ичимлик сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш, Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилояти ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, Оқсув-Деҳқонобод сув қувури қурилиши орқали Деҳқонобод тумани аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Сўнгги 4 йилда сув тармоқларида реконструкция ишлари тўрт баробарга ортган. 2017 йилда 1115 километр сув тармоғи модернизация қилинган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 4109 километрга етди, — деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Соҳиб Саифназаров. — Бугунги кунда жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш йўналишидаги ишларни ташкил этиш борасида ҳам янги тизим яратилди. Охирги 4 йилда соҳага 4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида қарийб 3 миллион аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2006-2016 йилларда, яъни ўн йил ичида 2 миллион аҳолига тоза сув етказиб берилган эди.

Ҳозирги кунда обиҳаёт таъминоти бўйича шароити оғир бўлган уч минг уч юздан ортиқ маҳаллалдаги ҳолат ўрганилмоқда. Аҳолини марказлашган сув билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар аввал депутатлар, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Улар томонидан тасдиқлангач, амалий ишлар бошланади. Шу кунларда бошқа соҳалар каби марказлашган сув таъминотини ташкил этишга қаратилган ишлар ҳам маҳаллабай, хонадонбай тизимда ташкил этиляпти. Сув тармоғи хонадонларгача олиб кирилиб, ҳисоблагич ҳам ўрнатиб берилмоқда.

Айни кунларда Қибрай туманидаги Қодирия сув тозалаш ва таъминлаш иншоотида қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этяпти. Ҳозирда Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент туманлари аҳолисининг олтмиш фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган бўлса, янги лойиҳа ишга тушгач, бу кўрсаткич 92 фоизга етади.

Аҳолини марказлашган тарзда обиҳаёт билан таъминлаш бўйича яна бир йирик лойиҳа Бухоро вилоятининг Олот туманида амалга оширилмоқда. Бу ерда суткасига 50 минг куб метр сувни тозалаб, аҳолига етказиб берадиган иншоот қуриляпти. Жаҳон банкининг қиймати 139 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳаси якунланиб, сув иншооти ишга тушгач, Олот ва Қоракўл туманларида истиқомат қиладиган 265 минг аҳоли марказлашган тарзда обиҳаёт билан таъминланади. Бу юртимизнинг чекка ва экологик шароити нисбатан мураккаб бўлган ҳудуди аҳолиси учун жуда катта қулайликдир.

Маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида шу пайтгача бор-йўғи икки фоиз аҳоли марказлашган ичимлик сув тармоғидан фойдаланиб келган. Туманда жадаллик билан амалга оширилаётган қиймати 252 миллиард сўмга тенг Оқсув-Деҳқонобод тоза сув таъминоти лойиҳаси амалга оширилгач, Деҳқонобод туманининг 78 фоизи ёки 116 та қишлоқдаги 112,8 мингдан ортиқ аҳоли ичимлик сув билан таъминланиши кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Оқсув-Деҳқонобод сув тармоғи жуда мураккаб шароитда барпо этиляпти. Яъни сув тармоқлари баланд тоғликлардан аҳоли яшаш ҳудудларигача бўлган узоқ масофага тортиб келинмоқда. Айтишларича, бу лойиҳа анча мураккаб бўлгани боис, илгарилари бир неча бор лойиҳалаштирилган, бироқ амалга ошмай қолиб кетган. Бугунги кунда жамиятимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун қўйилиб амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар туфайли бундай мураккаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳам оқилона ечими топилаётганини аҳолини беҳад мамнун этмоқда.

Зарафшон дарёсидан Жиззах вилояти аҳоли пунктларига сув етказиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа ҳам бугунги яратувчилик ва бунёдкорлик ишларимизнинг муҳим кўзгусидир. Ушбу лойиҳа доирасида суткасига юз минг куб метр сув тозалаш қувватига эга Узунбулоқ сув тозалаш иншоотида қурилиш ишлари якунига етмоқда. Бу ерда замонавий технологиялар асосида тозаланган сув Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Шароф Рашидов, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳригача етиб боради ва 600 минг аҳолининг марказлашган тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланади. Жумладан, 65 та қишлоқ аҳолиси ҳам тоза сувдан баҳраманд бўлади.

— Бу лойиҳани амалга ошириш учун жуда мураккаб ишлар бажариляпти, — дейди жиззахлик меҳнат фахрийси Саъдулло Шукуров. — Зарафшон дарёсининг сувини юқорига кўтариб, махсус иншоотга йўналтирилмоқда. Бунинг учун катта маблағ ва ресурслар сарфланаётир. Халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бу ишларнинг аҳамиятини барчамиз тўлиқ англаб, сувнинг ҳар томчисини тежаш асосий вазифамизга айланмоғи лозим.

Аҳолини обиҳаёт билан таъминлашдек хайрли ишлар изчиллик билан давом этмоқда. 2021 йилги инвестиция дастурида бу тадбирларга 1 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. “Ўзсувтаъминот” АЖ дан маълум қилишларича, бу маблағ биринчи навбатда амалга оширилаётган лойиҳаларни якунига етказишга йўналтирилади. Қолаверса, маҳаллабай ўрганиш давомида ишлаб чиқилган янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига, жорий йилда яна 700 минг аҳоли илк бор тоза ичимлик сув таъминотига эга бўлади.

Юртимизда сўнгги йилларда жадаллик билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар халқимиз ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этиши баробарида халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаётгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос эътирофидир. Хусусан, экология кўрсаткичлари халқаро рейтинг агентлиги хулосасига кўра, мамлакатимиз 2021 йилда сув сифати бўйича жаҳон мамлакатлари рейтингида 58-ўринни эгаллади. 2016 йилда бу борада 136-ўринда бўлганимизни назарда тутсак, ўсиш суръатлари яққол намоён бўлади. Экспертлар бу рейтингни тузишда ичимлик сувнинг сифати ва аҳолини қамраб олиш даражасини асосий мезон этиб белгилаган.

Юртимизда бундай хайрли ишлар кун сайин кенгаймоқда. Унинг натижалари эса аҳолининг саломатлик кўрсаткичи яхшиланаётгани, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларида яққол кўзга ташланаётир.

ТЕАТР: ЯНГИ ДАВР

# САҲНАДА КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР





**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**ЎзФА Санъатшунослик институти**
**илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,**
**санъатшунослик фанлари доктори, профессор**

**Йил якунида Ўзбекистон республикаси маданият вазирлиги ҳамда Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида ёш режиссёрларнинг “ДЕБЮТ-2020” VI Республика кўрик-фестивали ташкил этилди. Тадбирнинг Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, фестиваль бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг. Шу маънода, Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, ёш режиссёр, актёр, драматург ва саҳна рассоми соҳалари бўйича ижодкорларни аниқлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва профессионал маҳоратининг шаклланишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этиладиган “Дебют” Республика кўрик-фестивали анъанага айланиб улгурди.**

Ёш ижодкорларда миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратишдаги тажриба ва профессионал маҳоратнинг шаклланишига кўмаклашиш фестивалнинг асосий мақсади ва вазифасига айланди. Ушбу танлов нафақат ёш ижодкорларни кашф этишга кўмаклашади, шу билан бирга, улар учун имкониятлар эшигини ҳам очади. Ўтган фестивалларда профессионал саҳнада илк маротаба ўзларининг бадиий ижод намуналарини кенг жамоатчилик ва мутахассислар эътиборига ҳавола этган қатор навқирон ижодкорлар ҳозирги кунда республика театрларида ўз ижодий фаолиятларини олиб бораётгани фикримизнинг исботи. Шу маънода, “Дебют” фестивали санъатнинг жонли тури бўлмиш театрни ёш ижодкорлар билан таъминлашда катта қадам бўлди, дейиш мумкин.

Ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган фестиваль ўзига хос тажриба тўпланганини кўрсатди. Зеро, пандемия сабабли унинг доирасидаги баъзи тадбирлар онлайн шаклда ўтган бўлсада, томошабин тақчиллиги кузатилмади. Кунлик намойишлардан кейин ташкил этилган муҳокамалар ёш мутахассислар тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Фестивалда намойиш этилган спектаклларнинг мавзу доираси кенг. Ёш ижодкорларнинг миллий адабиётимиз нодир намуналарига эътибори алоҳида таҳсинга лойиқ. Хусусан, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий сингари улуғ алломаларимиз асарлари асосида яратилган спектакллар ёшларнинг миллий қадриятлар ва анъаналаримизга муҳаббатини кўрсатиш билан бирга, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳамқадамлигини ҳам англатади. Фестивалда намойиш этилган миллий драматургиямизнинг дастлабки намуналари — “Падаркуш”, “Адвокатлик осонму?!” ҳамда Абдулла Қодирий асарлари асосида яратилган спектакллар фикримиз исботи.

Дебютант режиссёр Муроджон Турдиев томонидан саҳналаштирилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” фожиаси асосидаги спектакль “театр ичида театр” услубида ечим топган. Маълумки, асарда илмсизлик оқибатида маишатга берилган ўғилнинг охироқибат отаси ўлимига сабаб бўлгани ўзгача услубда баён этилган. Айтиш жоизки, асарда кўтарилган ижтимоий-ахлоқий масалалар бугунги кун учун ҳам долзарб. Режиссёр асарни саҳналаштириш жараёнида масаланинг айни шу жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга, зарур ҳолатларда изоҳлар орқали томошабинга янада таъсирчан етказишга интилган. Спектаклга киритилган Адиб образи айнан мана шу мақсадларга бўйсундирилган. Шу маънода, дастлабки саҳнавий кўриниш адиб қиёфасидаги актёрнинг театр санъатининг жамият ҳаётидаги ўрни, Беҳбудийнинг “Театр ибратхонадир” деган сўзлари таърифини очиб беришга хизмат қилади. Режиссёр актёрларни мақсад сари йўналтира олган. Спектакль декорацияси давр муҳитини ифодалайди, либослар образлар табиатига мос танланган. Шу билан бирга, спектакль нуфузини тушириб юбормаслик, бунда актёрлар ижросига эътибор қаратиш тавсия этилди.

Дебютант Маманиёз Рўзиевнинг Каттақўрғон шаҳар драма театрида саҳналаштирган Абдулла Авлоний асари асосидаги “Адвокатлик осонму?!” спектаклида ҳам маърифатга, илмга чорлов ғояси илгари сурилган. Режиссёр асарни саҳналаштиришда “театр ичида театр” услубидан фойдаланган. Муқаддиманинг ўзиёқ томошабинни асарда кўтарилган масалалар билан таништириб, унинг ғоясини очиб беришга хизмат қилади. Асар воқеаларига, персонажлар ҳатти-ҳаракатига муносабат билдириб турувчи чилдирмачи образига воқеаларни боғлаб, тушунтириб боришда эҳтиёж сезилади. Саҳна асарида илму маърифатдан йироқ, маданияти ўта ғариб кишиларнинг нодонликлари сабаб бошига тушган ташвишлар турли ҳаётий вазиятларда моҳирона очиб берилган. Ундаги бош қаҳрамон Давронбекнинг ҳалигача мавжуд илмсизлик, маданиятсизлик ҳамда ахлоқсизликларга қарши кураши турли кулгили вазиятларда намоён бўлиб, асарнинг фош қилиш табиатини бўрттирган. Тараққиётга эришиш учун халқ маърифатга интилмас экан, Давронбек сингари илму маърифатли инсонларнинг саъй-ҳаракатлари бенаф экани ўз аксини топади.

Дебютант Рўзимбой Алланазаров режиссёрлигидаги “Жулқунбой” спектаклида эса (Ўзбекистон давлат сатира театри) жамиятдаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб, уларга нисбатан курашиш лозимлиги ғояси ўзгача ечимда акс эттирилган. Мазкур асар сюжети Абдулла Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Куёв”, “Ўткан кунлар” романидаги айрим лавҳалардан олинган. Ўз даврининг долзарб масалалари акс этган мақола ва асарлар сюжетини бир спектаклда акс эттириш катта маҳорат талаб этиши табиий.

Эътиборли томонларидан бири шундаки, спектаклда Абдулла Қодирий образида актёрнинг ўзи бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдириб туради. Унинг муваффақияти ҳам шунда. Қодирийнинг дунёқараши, шахсий сифатлари очилган.

Спектаклда дунёдан бехабар кишиларнинг маърифат ва тараққиёт сари интилиш ўрнига ўзининг биқиқ турмушида “қовурилаётгани” ўз ифодасини топган. Бу каби ўз даври учун жуда долзарб муаммоларни кўтариб чиққан асарларнинг саҳнавий талқинлари ёш ижодкорларнинг замон билан ҳамнафасликка интилаётганининг исботидир.

Янги авлод нафақат миллий драматургия намуналари, шунингдек, жаҳон мумтоз драматургиясининг нодир намуналарига ҳам эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон давлат сатира театрида саҳналаштирилган рус ёзувчиси Н.Гоголнинг “Уйланиш” комедиясида (саҳналаштирувчи режиссёр — Элмуроджон Йўлчибоев) кўтарилган мавзу барча даврлар учун долзарб бўлгани учун ҳам, ўзбек ижодкорлари бу асарга кўп бора мурожаат этган. Мазкур асар кўплаб режиссёр ва актёрлар учун ижод мактаби вазифасини бажарган. Ёш режиссёр ушбу комедияни саҳналаштириш жараёнида асар воқеаларини табиий ва самимий акс эттиришга жиддий эътибор қаратган. Натижада, асар бош қаҳрамони — қатъиятсиз бўйдоқ Подколёсиннинг уйланиши, унинг тинибтинчимас дўсти — Кочкарёвнинг совчиликнинг уқувини олганлар фаолиятига кескин аралашуви билан боғлиқ воқеалар томошабин кўз ўнгида гавдаланади. Бироқ ҳамма иш битиб, ёшларнинг никоҳ оқшоми кечасида бош қаҳрамоннинг умидсиз ҳолатда деразадан сакраб қочиши сюжетнинг якунини тамомила бошқа ўзанга буриб юборадики, буни томошабин ҳам кулгу, ҳам ачиниш билан кузатади.

Рей Кунининг “Қора дипломат” драмаси (Қорақалпоқ театри, саҳналаштирувчи режиссёр — Пазилбек Келимбетов) воқеалари бугунги ҳаётимизга жуда ҳамоҳанг. Асар бирдан бойиб кетишни орзу қилган инсонлар қисмати ҳақида ўйлашга чорлайди. Асар воқеалари бир дипломат тўла пул топиб олган Генри Перкинснинг бу вазиятда қандай йўл тутиши ҳақида. Унинг аёли Джейн бировнинг ҳақи бахт келтирмаслиги, аксинча, бошлари ғавғода қолишини эрига уқтирмоқчи бўлади. Лекин Генри тўсатдан шунча пулга эга бўлиб, яна ундан айрилишни истамайди ва Джейнни саёҳатга бирга кетишга мажбурлайди. Джейн бунга кўнмайди. Эр-хотин тортишиб турган пайтда турли сабабларга кўра, уйга келиб қолганлар ҳам бу муаммога аралашиб қолади. Генри қочиб кетиш тараддудида турган пайт воқеалардан хабар топган такси ҳайдовчиси пулларни ўғирлаб кетади. Бу каби якуннинг ўзи ёшларни ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш, сохта алдовларга учмасликка даъват этади.

Фестивалда нафақат ёш томошабинлар театрлари, шу билан бирга, қўғирчоқ театрлари ҳам иштирок этгани эътирофли. Демак, театр санъатининг барча йўналишларида ёшлар фаолликлари қўллаб-қувватланмоқда. Шу ўринда, ёш томошабинлар театри биноси таъмирдан чиқиб, янги қиёфа касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Томошабин ёшига мос ёрқинлик, ойдинлик, унинг хаёлотлар оламига мос, ҳаракатдаги “Учар кема”, “Бремен мусиқачилари” спектакллари мана шу ўзгаришларга ҳамоҳанг. Рус халқ эртаги асосидаги “Учар кема” спектаклида (Алексей Симуков асари, режиссёр Мирфаёз Музаффаров) икки ёшнинг ўз муҳаббатлари йўлида қийинчиликларни енгиб ўтиб, мурод-мақсадига етгани акс этади. Салтанатни ночорликдан қутқариш мақсадида қиролнинг ягона қизи Забавани бадавлат инсонга турмушга бериш нияти воқеаларни ҳаракатга келтиради. Бундан хабар топган вазир Полканнинг маликага етишиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, қиролнинг бу таклифга розилигию, бунга маликанинг кўнгил майли ўртасидаги қаршилик воқеаларни ривожлантиради. Малика Забава такаббур вазир Полканга эмас, софдил, меҳрибон мўри тозаловчи Иванга кўнгил бериши ҳақиқий бахт бойликда эмас, кўнгил тозалигида эканлигини англатиб, асарнинг тарбиявий аҳамиятини оширган.

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида режиссёр Умиджон Зокиров саҳналаштирган “Бремен созандалари” (муаллифлар — В.Ливанов, Ю.Энтин) номли мусиқали эртак томоша ҳам ёш қаҳрамонларнинг бир-бирларига етишиш йўлидаги саргузаштларига бағишланади. Асар бош қаҳрамони Трубадурнинг дўстлари билан бошидан кечирган воқеалар орқали спектаклда дўстларнинг садоқати, оғир кунда ёрдам қўлини чўза олиш ва елкадош бўлиш сингари самимий туйғулар ўз аксини топган.

Ҳар иккала спектакль мусиқий томоша услубида саҳналаштирилган. Спектакллар мусиқа ва рақс асосига қурилган. Унда ёш қаҳрамонларни ижро этувчи актёрларнинг пластик хатти-ҳаракатлари, жўшқин, замонавий рақслари томошабинни жалб қилиш учун зарур бўлган суръатини ушлаб туришга хизмат қилган. Айниқса, рақс ҳаракатларининг мусиқага ҳамоҳанглиги жамоавий ижрони намойиш этиш ва ғояни очиб беришга ёрдам берган.

Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри томонидан намойиш этилган “Муҳаббат бўстони” (Шокир Муродов асари, саҳналаштирувчи режиссёр — Хўжамберди Эгамбердиев) спектакли фестивалнинг авж нуқтаси бўлди, десак муболаға бўлмас. Инсон тафаккурига таъсир қилиб, азалий ва абадий мавзулар ҳақида ўйлашга мажбур этадиган бундай асарлар кунда туғилмайди. Мазкур жамоа Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги Шайх Санъон ҳикояти асосида яратган спектаклда қаҳрамоннинг илоҳий ишққа етгунга қадар бошидан кечирган воқеалари акс эттирилган. Тушида бир насроний қизни кўриб, унга ошиқ бўлиб қолган шайхнинг ишқ йўлида бошидан кечирган синовлари асар сюжети воқеаларини ҳаракатга келтиради. Шайхнинг муҳаббатига эришиш йўлидаги изтироблари мусиқий чиқишлар орқали ифодаланади. Куйга солинган ғазаллар ҳолатни ифодалашда қўл келган. Воқеалар ривожи, актёрлар ҳаракатидаги уйғунлик, мусиқа ва унга басталанган қўшиқларнинг саҳна воқеаларига ҳамоҳанглиги, актёрлар ижросининг мукаммаллиги, воқеаларга мос муҳит, қаҳрамонлар либослари ушбу мусиқий спектаклнинг муваффақиятини таъминлаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Дебют-2020” фестивали ёш режиссёрлар томонидан тақдим этилган спектакллар уларнинг ўз устида изланаётгани, янги саҳнавий ечим ва шакл топишга интилаётгани, бу эса ўз-ўзидан томошавийликни оширишга хизмат қилаётганини кўрсатди. Айниқса, мусиқа, сценография, либослар ва грим масалаларида талабчанлик ошиб бораётгани кузатилди, саҳна ҳаракатларидаги изчиллик ва ёшларга хос шиддат ёш режиссёрларнинг бадиий диди ва маҳорати чархланиб бораётганидан далолат. Актёрлар билан ишлашда тажриба ва маҳорат ҳам оширилса, саҳна санъатида бадиий мукаммаллик борасида кўзланган мақсадларга тезда етиш мумкин. Бу ҳолатлар ўзбек театрининг эртанги кунига ёруғ умидлар уйғонганини кўрсатади.

САХОВАТ

# “ОРЗУ ҚИЛ ВА ИШОН!”

## ёхуд ташаббускор тадбиркорлар жамоаси йўлга чиқди

**Мерей АМАНБАЕВА,**
**Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори**

**Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биз фаолият олиб бораётган “Орзу қил ва ишон!” ёш тадбиркорлар жамоасига хорижлик ҳамкорларимиз ҳам ҳайрат билан қарайди. 15 нафар тадбиркорни бирлаштирган жамоамиз ҳамиша янги-янги лойиҳалар, таклифларни амалга ошираётганини кўрганлар “Алишер Навоийнинг асл набиралари экансизлар-да, ёш навоийликлар!”, дея мақтаб ҳам қўяди.**



Наврўз байрами арафасида биз, тадбиркорлар байрам сайли учун ажратган маблағимизни янги бир лойиҳага сарфлашга қарор қилдик. Яъни кам таъминланган оилалар ва имконияти чекланган юртдошларимизни байрам совғалари ва эзгу ниятларимиз билан қутлашга, ҳолаҳвол сўраб кўнгилларини кўтаришга аҳд қилдик. Бизнинг бу савобли ишимизни тажрибали ва ишбилармон тадбиркор Шуҳрат Шарипов ҳам қўллаб-қувватлади ҳамда бизга ҳамроҳ бўлди.

Навоий шаҳридаги Бинокор ва Тинчлик маҳаллаларини оралаб, юртдошларимизни табриклаш учун ошиққанимизда, қалбимиз баҳор шабадаси каби гўзал ва масрур туйғулардан шодланганини ҳис қилдик.

— Қани энди, атрофимизда сизлар каби яхшиликка ташна, қалби орзуларга тўла ёшлар жудаям кўп бўлса, — деди Гуландом опа Рўзиева кўзларига ёш олиб. — Сизларнинг жамоангизга роса ҳавасим келди. Мени йўқлаб келганингиздан жуда хурсандман. Имконим бўлса, мен ҳам сизлар билан бирга ишласам, сизлар каби эҳтиёжманд юртдошларимиз кўнглига ёруғлик ва қувонч олиб кирсам.

Гуландом опанинг сўзларидан шодланиб, кучимизга-куч қўшилди. Навбатдаги манзил — Нурота туманидаги Мурувват уйи. Халқимиз, “Бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қил”, дея бежиз таъкидламаган. Ушбу маскандаги ҳар бир ҳолат, ҳар бир жараёндан ўзимизга тегишли сабоқларни олдик. Токи соғ-саломат, тинчлик ва фаровонликда ҳаёт кечирар эканмиз, ҳар бир лаҳзадан самарали фойдаланиш кераклигини янада чуқурроқ англадик.

Биз ўртага ташлаган таклиф ва ташаббусларни вилоят ҳокимлиги ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётгани бизга ўзгача шижоат бахш этади. Тўғриси, баъзи ўринларда, “Бу амалга ошмайдиган орзуларга нима бор, бўладиган ишлардан гапиринглар”, дея бизни тергайдиган катталар ҳам бор. Бундай инсонларни ҳаётимиз ўзгариб, юртимизда ислоҳотлар олиб борилаётганига ишонтиришга астойдил ҳаракат қиламиз. Ҳар биримиз янги Ўзбекистон учун муносиб фарзанд бўлишга қўлимиздан келганича интилишимиз, изланишимиз зарурлигини англаган ҳолда қадам ташлаймиз. Барчангизга Наврўзи олам муборак бўлсин! Ҳар гал инсонпарварлик, эзгуликни шиор қилган фаолиятимиз, лойиҳаларимиз самарасини кўриб жуда қувонамиз. Ана шунда беихтиёр, “Эзгу ташаббусларимизга сиз ҳам елкадош бўлинг, азизлар!” дегим келади.

ЭЗГУ ТАШАББУС

# ҚУШЛАР АЙВОНИГА ТЎШАЛГАН ГУЛЛАР

## ёхуд 100 га яқин уя қанотли дўстларимизга тақдим этилди

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ҳар ён яшилликка бурканиб, табиат қайтадан уйғонган айни дамларда қорақалпоғистонлик ҳамюртларимиз ажойиб лойиҳани тақдим этди. Тахтакўпир туманининг олис ҳудуди — Буржитов овулида қушларга ғамхўрлик қилиш мақсадида экоакция ўтказилди.**



Ушбу акция доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги бир қатор мактаб ўқувчилари томонидан ясалган 100 га яқин қуш уялари овулдаги экоўрмонга ўрнатилди. Унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ҳамда овул ёшлари иштирок этди.

— Қушларни жуда яхши кўраман, — дейди ушбу экологик лойиҳа иштирокчиси 14 ёшли Санжарбек. — Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар йили Ўзбекистон ҳудуди орқали 130 турдаги 4 миллионга яқин парранда учиб ўтар экан. 460 дан ортиқ турдаги қушлар эса юртимизда муқим яшайди. Кейинги пайтда экологик ўзгаришлар туфайли қанотли дўстларимизнинг ҳам сафи сийраклашиб бормоқда. Шу боис, уларга ғамхўрлик кўрсатишимиз, бу ишда ука-сингилларимизга ҳам ўрнак бўлишимиз зарур.

Ҳа, она табиатимизда ҳар бир ўсимлик ва жониворни биз билан боғлаб турувчи ўзига хос занжир мавжуд. Ана шу кўринмас ҳалқа меҳримиз ва эътиборимиз билан мустаҳкамланиб боради. Аксинча бўлса, бу узилган ришта ўз ортидан чексиз муаммоларни юзага чиқариши мумкин.

6 ёшли Гулсара акаси Муроджонга эргашиб, мазкур тадбирга келибди. Бу жажжи қизалоқ рангли қоғозлардан ясаган ажойиб гуллари билан қуш уяларини безаб чиқди.

Тадбир сўнгида “Қизил китоб”га киритилган қанотли дўстларимиз ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, ҳикоялар ва шеърларни энг кўп билган ва иштирокчиларга сўзлаб берган ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

Қанийди, инсон қалбини эзгу ҳисларга чулғаб, атроф-муҳитга, табиатга эътиборли бўлишга ундайдиган бу каби тадбирлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўтказилса...

Азиз юртдошим, баҳор нафаси эзгуликка ташна қалблардан, тоза юраклар ҳамжиҳатлигидаги юксак режалардан бошлансин. Қанотли дўстларимизга сиз ҳам эътиборсиз бўлманг!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1028.
11453 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:50 Топширилди — 23:20